O‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Paxtachi tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Пахтачийского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 y.г. “24” январь № 56-К Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

Автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида светофор ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Пахтачи туман Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғинининг А.Темур ва Истиқлол кўчалари, Истиқлол маҳалласи Истиқлол ва Мустақиллик кўчалари, шунингдек Бодой маҳалласи Мустақиллик ва Бодой кўчалари кесишган чорраҳаларида светофор ўрнатишга рухсат бериш ҳақидаги Пахтачи туман Ички ишлар бўлимининг 2019 йил 30 декабрь кунги 50/5199-сонли, Пахтачи туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2019 йил 30 декабрь кунги 587-сонли ҳамда туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2019 йил 30 декабрь кунги 171-сонли хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги ЎРҚ-117-сон Қонунининг 7-моддаси *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 40-сон, 410-модда)*, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-XII-сон Қонунининг 6 ва 25 моддалари *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)*, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ—348-сон Қонуни *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда)* ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорига *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда*) асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Пахтачи туман Истиқлол маҳалласи А.Темур ва Истиқлол кўчалари, Истиқлол маҳалласи Истиқлол ва Мустақиллик кўчалари, шунингдек Бодой маҳалласи Мустақиллик ва Бодой кўчалари кесишган чорраҳаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида светофорлар ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Туман Ички ишлар бўлими (Б.Санақулов), туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Н.Эшонқулов) ҳамда туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Шерматов)га юқорида кўрсатилган манзилларда белгиланган светофорларни ўрнатиш вазифаси топширилсин.

3. Туман Ички ишлар бўлими (Б.Санақулов) ушбу кўчада ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг мазкур светофорларга қатъий риоя қилишини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор “Пахтачи” газетасида расмий эълон қилинсин, расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайти (http://paxtachi.uz)га жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ш.Мусирманов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.Хамдамов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI PAXTACHI TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA